

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАРУР
ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИПрезидент Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги
инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишди ҳамда фаоллар
иштирокида йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Тошхашартранс-хизмат” акциядорлик жамияти тизимидаги 18-автобус саройида бўлди.

Жамоат транспорти тизими ривожлангани шаҳар ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири. Лекин Тошкент шаҳрида бу соҳа ҳозирги ўзгаришлардан орқада қолмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда кўплат турар жойлар қурилди, аҳоли сони ошди, шаҳар ҳудуди ҳам кенгайди. Пойтахтимизда кунига 1 миллион 300 минг йўловчи жамоат транспортдан фойдаланмоқда.

Бу талабга жавоб бериш учун “Тошхашартрансхизмат” тизимида автобуслар етишмаепти.

Борларининг ҳам кўпи эскирган. Шу сабабли йўналишларга режага нисбатан 90-100 та автобус кам чиқмоқда. Кўчаларда жамоат транспорти устуворлиги йўлга қўйилмаган. Буларнинг оқибатида йўловчилар автобусларни 20-30 дақиқагача кутишига тўғри келмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ҳолатни кескин танқид қилиб, айниқса, ҳозиргидек совуқ кунларда бунга, умуман, йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади. Шу боис, кучайтирилган тартибда ишлаб, энг оғир йўналишларга қисқа муддатда қўшимча автобуслар қўйиш бўйича топшириқ берди.

Бунинг учун хусусий корхоналар автобуслари ҳам жалб этилади. Уларга харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат томонидан субсидия берилади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари автобуслар қатновига қўшимча қулайликлар яратди.

Қатновлар тезкорлиги ва хизмат сифатини таъминлаш, ҳайдовчиларнинг ойлик маошларини ошириш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш масалалари бўйича тақдирот ўтказилди. Қайд этилганидек, бу йил 277 та автобус ва электробус харид қилиниб, қатновга

қўйилди. Автобуслар ҳаракати ва тўловлар тизими рақамлаштирилди.

Бугунги кунда “Тошхашартрансхизмат” тизимида 142 та йўналиш бор. Йўловчилар оқимининг кўпайиш прогнозидан келиб чиқиб, жамоат транспортининг 167 та йўналишдан иборат янги тармоғи шакллантирилган. Бу йўналишларни таъминлаш ва Тошкент шаҳрида жамоат транспортига бўлган талабни тўлиқ қондириш учун яна 1000 та катта сиймилли автобус зарур. Бу орқали автобусларнинг оралиқ интервалини 7-10 дақиқагача қисқартириш мумкин.

Президент автобус саройидаги транспортларни кўздан кечирди. Ушбу корхона 22 та йўналиш бўйича кунига 74 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Чилонзор иссиқлик марказини бориб кўрди.

Ушбу мажмуа 1969 йилда қурилган. Қозонхона 700 Гкал қувватга эга. Марказ 921 та кўп қаватли уй ва 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларига иссиқлик қуввати етказиб беради.

Сўнгги кунларда об-ҳавонинг кескин совиб кетиши оқибатида газ босимининг пастлиги кузатилмоқда. Бу иситиш даражасига салбий таъсир қилмоқда.

Чилонзор иссиқлик марказида ҳам ускуна ва тармоқлар эскирган. Иссиқликни узатишда йўқотишлар бор.

Шу боис, бу борадаги зарурий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иссиқлик ишлаб чиқаришнинг муқобил манбаларини излаш, қувурлар ва уйларда ҳароратни асраш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳри туманларига электрда ишлайдиган 2 мегаваттлик станциялар олиб келиб, қўшимча иссиқлик қувватлари яратиш таклифи маъқулланди. Бундай битта қурилма 1 минг 340 та хонадонга иссиқлик етказиб беради. Ишлаб чиқариш харажати камлиги эвазига нарх ошмайди.

Шавкат Мирзиёев қутилмаганда шу ердаги Ширин маҳалласини кириб кўрди. Аҳоли хонадонларида бўлиб, турмуш шароитлари, иссиқлик таъминоти билан қизиқди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Учтепа тумани Найман маҳалласидаги оилавий болалар уйи билан танишди.

Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар алоҳида эътиборга олинган. Давлат томонидан берилган имтиёзлар натижасида бундай болаларни ўз бағрига олаётган оилалар ортиб бормоқда. Жумладан, 131 та оилавий болалар уйлари ташкил этилиб, 808 нафар ўғил-қиз тарбияга олинган.

Учтепа туманидаги мазкур оилавий болалар уйи ҳам шу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир. 2 қаватли бино Миллий гвардия томонидан реконструкция қилиниб, 12 та оила учун шароит яратилган. Барча хонадонлар маиший техника, мебель ва ҳўжалик жиҳозлари билан таъминланган.

Президентимиз шундай оилалардан бири — Иномжон ва Дилдора Давлатовлар хонадонидан бўлди. Улар 4 нафар етим болани ўз қарамоғига олган.

Болажонлар ўз оиласи бўлишини орзу қилгани, давлат эътибори билан бу орзуси ушлаганини айтишди.

Ота-оналарнинг ўз фарзандлари ва тарбияга олинган болалар шу ердаги 238-умумтаълим мактабиде таълим олади.

Мажмуада 2 та спорт зали, мини-футбол стадиони, ўйин ва воркаут майдончалари, ёзи саҳна, хиббон ташкил этилган. Манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари экилган. Мўъжазгина томорқада рўзгорбон маҳсулотлар етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари ўқув ва спорт тўғрисидаги кириб кўрди, ёшлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларини маҳаллабай ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Ўтган 11 ойда пойтахтимизда 650 та лойиҳа амалга оширилиб, 30 мингта иш ўрни яратилган. Хусусан, Учтепа туманида янги тадбиркорлик субъектлари сони 1 минг 110 тага кўпайган.

Тошкентда савдо, саноат ва хизматларни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлиги қайд этилди. Бундан тўла фойдаланиб, пойтахтни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш вазифаси белгиланди.

Президентимиз ижтимоий муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Пойтахтимизда 584 та маҳалла бор. Уларни обод қилиш, йўлларни яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари навбатдаги режалар, аҳолининг талаб-истаклари юзасидан маҳалла раислари билан суҳбатлашди.

Улардан келиб чиқиб, 44 та ижтимоий объектни таъмирлаш, болалар боғчаси, поликлиника, истироҳат боғи ташкил этиш чоралари белгиланди.

Тошкент шаҳридаги 12 та иссиқлик марказининг барчаси 1968-1986 йилларда қурилган бўлиб, ускуналари эскирган. Шу боис, улардан 9 таси негизда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи замонавий марказлар ташкил этилади. Натижада пойтахтимизда ҳар йили қўшимча 3 миллиард қилловатт-соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Янги йил байрами арафасида бозорларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
Ўза мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ХУДУДЛАРНИНГ “ЎСИШ НУҚТАСИ”

ОДАМЛАР ҲАЁТИГА ЯНГИ МАЗМУН ВА ЖАМИЯТГА
КЎТАРИНКИ РУҲ БАҒИШЛАГАН ИСЛОҲОТ

Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади, дейди халқимиз. Бу пурмаъно мақол замирида ҳаётий ҳикмат зоҳир. Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳридаги “Чиғирик” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, шунга ишонч ҳосил қилдикки, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қўзланган мақсадлар самараси бугун оддий одамлар ҳаётига ҳам фарахбахш таъсирини ўтказмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

ЎЗЛУКСИЗ, ТЕЖАМКОР, БЕМИННАТ

Бухоро туманидаги Работак маҳалласида бўлсангиз, бу ерда қурилган намунавий уйлар ва кўп қаватли хонадонлар томига ўрнатилган муқобил энергия воситаларига кўзингиз тушади. Уйларни барпо этишда базальт толали иссиқлик тежовчи материаллардан фойдаланилган. Кўп қаватли хонадонлар томига қуёш панеллари ўрнатилган. Бу аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш ва турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилапти. Мазкур лойиҳада БМТнинг Тараққиёт дастури, Глобал экологик жамғарма иштирок этмоқда.

▶ Давоми 4-бетда



МУНОСАБАТ



Куни кеча давлатимиз раҳбари бошчилигида фтизиатрия ва пульмонология соҳасини ривожлантириш, ОИТС касаллигининг олдини олиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда соҳада эришилган натижалар ва келгусида бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирлар таҳлил этилди. Мутасаддиларга зарур топшириқ ва вазифалар берилди.

СИЛГА ЧАЛИНИШ ҲОЛАТЛАРИ
СЕЗИЛАРЛИ КАМАЙДИ

Йиғилишда сўз юритилган йўналишлардан бири — сил касаллигининг олдини олиш борасида самарали, аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар тизимли равишда бажарилаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳолбуки, 2000-йиллар бошида фтизиатрия хизмати оғир аҳволга келиб қолган эди. Силга

қарши кураш муассасалари хароба ҳолатда, моддий-техник базаси эскирган. Мазкур вазиятда нафақат беморлар, балки оғир меҳнат шароитида ишлагани туфайли тиббиёт ходимлари ҳам қийналганини инкор эта олмаимиз.

▶ Давоми 5-бетда

МАЪРИФАТ САБОҚЛАРИ

АЛЛОҲ ТАОЛО ИСРОФ ҚИЛГУВЧИЛАРНИ СЕВМАС!



Иброҳимжон ИНОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

Аллоҳ таоло охирзамон умматини умматлар ичида энг афзали қилди. Уларнинг афзаллиги ҳар бир ишда васатий бўлганларидандир. “Васатий” сўзи “ўрта”, “муътадил” ва “афзал” каби маъноларни англатади. Аллоҳ таоло бу ҳақида Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: “...сизларни ўрта уммат қилдик” (Бақара сураси 143-оят).

Дарҳақиқат, бу умматнинг ҳар бир иши муътадиллик устига қурилган. Исроф — иктимойий иллатлардан бири. Бу сўз “қаддиҳан ошиш” маъносини англатади. Истилоҳда эса ҳар бир нарсада

Аллоҳ таоло белгилаб берган чегарадан чиқиб, У Зот берган неъматларни ўз ўрнига сарф этмаслик **исрофдир**. Урфда эса *мол-давлатни зое қилишга исроф* дейилади. Ўзбек тилида “исроф” сўзи билан бирга “увол қилиш” ва “неъматни қадрламаслик”, “нест-нобуд қилиш” каби ифодалар ҳам қўлланади. Исрофнинг катта-кичиги бўлмайди! Лекин унинг маъносини тушунтириш учун олимлардан бири қуйидаги мисолни келтиради: **“Коса тағида ортиб қолган таомни тоза емаслик ҳам исрофдир”**. Энди бир йўлаб кўрайлик, коса тағида ортиб қолган озгина таомни еб қўймаслик исрофгарчиликка

“ЖАНОБИ ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛҲОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ТАҲОРАТЛАРИГА БИР МУДД (0,688 ЛИТР), ҲУСЛЛАРИГА ЭСА БИР СОҒ (2,752 ЛИТР) СУВ ИШЛАТАРДИЛАР. БИЗ ҲАМ МАНА ШУЛАРГА АМАЛ ҚИЛСАК, СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ҲИССА ҚЎШГАН БЎЛАМИЗ. КЕЛАЖАК АВЛОДГА БЕБАҲО НЕЪМАТНИ ЕТКАЗА ОЛАМИЗ.

кирса-ю, ҳаётимиздаги кераксиз даб-дабозликларни нима деб баҳолаш мумкин?!

Барча уламолар исрофнинг ҳаром ва гуноҳи қабири эканига иттифоқ қилганлар.

Аллоҳ таоло исрофгарни суймайди. Бу ҳақида Аллоҳ таоло Ўз Каломи мажидининг Анъом сураси 141-оятда бундай марҳамат қилади: **“Ва исроф қилманглар. Албатта, У исроф қилгувчиларни севмас”**.

“ИСРОФГАРЛАР ШАЙТОНЛАРНИНГ БИРОДАРЛАРИДИР. ШАЙТОН ЭСА ПАРВАРДИГОРИГА НИСБАТАН ЎТА НОШУКУР ЭДИ” (ИСРО СУРАСИ 27-ОЯТ). ИСРОФ ДЕГАНДА КЎПЧИЛИК ЕМОҚ-ИЧМОҚНИНГ ОРТИБ ҚОЛИШИНИ ТУШУНАДИ, ХОЛОС. ЛЕКИН ИСРОФНИНГ ЖУДА КЎП ТУРЛАРИ БОР. УЛАРНИНГ ЭНГ КЎП ТАРҚАЛГАН КЎРИНИШЛАРИДАН БИРИ ОЗИҚ-ОВҚАТДАГИ ИСРОФ.

Исрофгар шайтоннинг дўстидир. **“Исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди”** (Исро сураси 27-оят).

Исроф деганда, кўпчилик емоқ-ичмоқнинг ортиб қолишини тушунади, холос. Лекин исрофнинг жуда кўп турлари бор. Уларнинг энг кўп тарқалган кўринишларидан бири озиқ-овқатдаги исроф.

Аллоҳ таоло емоқ-ичмоқда исрофга берилишдан қайтаради. Бу ҳақида Ўз Китобида бундай марҳамат қилади: **“Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар. Зеро, У исроф қилгувчиларни севмас”** (Аъроф сураси 31-оят).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **“Исроф ва такаббурлик қилмаган ҳолда енглар, ичинглар, ичинглар ва садақа қилинглар!”** дедилар” (Имом Насоий ривоятлари).

таоми учун ўчдан бир, шароби учун ўчдан бир ва нафаси учун ўчдан бир”, дедилар” (Имом Термизий ривоятлари).

Тиббиёт олимларининг таъкидлашича, аксарият касалликлар нотўғри ва кўп овқатланишдан келиб чиқади.

Шу ўринда **сув исрофи** ҳақида ҳам бир оз тўхталсак. Сув Аллоҳ таолонинг энг катта неъматларидан бири бўлиб, инсон ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ер юзида чучук сув захираси жуда оз. Дунёда ичишга яроқсиз қарийб 98 фоиз сувни уммон ва денгизларнинг шўр суви ташкил қилади. Шундан ичишга яроқлиси фақатгина 2 фоиз чучук сувдир.

Ўз бандаларига ўта меҳрибон Парвардигори олам Қуръони каримда бутун инсониятга қарата бундай марҳамат қилади: **“Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Уни булутлардан сизлар ёғдирдингизми ёки Биз ёғдиргувчимизми? Агар Биз хоҳласак, уни шўр қилиб қўйган бўлар эдик. Бас, шўр қилмайсизларми?”** (Воқеа сураси 68-70-оятлар).

Кўча-қўйда ичимлик сув исроф бўлаётганига кўп гувоҳ бўламиз. Уйда баъзан эҳтиёжimizдан ортиқча сув сарфлаймиз, тежамаймиз. Шунини унутмаслик керакки, ҳатто таҳоратда бўлса ҳам, сувни исроф қилиш ярамайди.

Ибн Умар розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам таҳорат қилаётган Саъд розияллоху анхунинг олдидаг ўтдилар ва: **“Бу қандай исрофгарчилик?!”** дедилар. Шунда Саъд розияллоху анху: “Таҳоратда ҳам исроф бўладими?” деди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **“Ҳа, гарчи оқар дарё олдида бўлсангиз ҳам, исроф бўлади!”** дедилар” (Имом Аҳмад ривоятлари).

Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам таҳоратларига бир мудд (0,688 литр), ҳусларига эса бир соғ (2,752 литр) сув ишлатардилар. Биз ҳам мана шуларга амал қилсак, сув билан боғлиқ муаммолар ечимига ҳисса қўшган бўламиз. Келажак авлодга бебаҳо неъматни етказа оламиз.

Исроф масаласи кийим-кечакка нисбатан ҳам қўлланади. Инсон ўзига керакли либосларнигина кийишга одатланиши лозим. Мода ортидан қувиб, сон-саноксиз кийим-кечак ва турли либосларни сотиб олиш ҳам исроф.

Мухтож кишиларга эҳсон ва садақа қилиш марғуб амаллардан ва бунинг учун бандга улкан савоблар ваъда қилинган. Аммо бу борада ҳам меъёрдан ошилса, исрофгарчиликка йўл қўйилган бўлади. Саховат гўзал фазилатлардан бири бўлса-да, бу борада ҳасилик ва исрофгарчилик ўртасидаги меъёрни тутиш муҳимдир.

“Қўлингни бўйнингга боғлаб олма! Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма! Яна маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин!” дейилади Қуръони каримнинг Исро сураси 29-оятда.

Ушбу ояти каримада мол-давлатнинг сарфи аслида қандай бўлиши кераклиги баён қилинмоқда.

“Қўлингни бўйнингга боғлаб олма!”, яъни баҳил бўлма! Ояти каримада баҳиллик жуда ҳам ажойиб ўхшатиш билан васф қилинмоқда. Қўлини бўйнига боғлаб олган одам ҳеч қачон ҳамёнига қўл сола олмайдиган ва ундан пул олиб, бировга эҳсон қилмайди. Шунинг учун баҳил қўлини бўйнига боғлаб олган кишига ўхшатиш мумкин.

“Уни бир йўла ёзиб ҳам юборма!”, яъни қўлингни бир йўла ёзиб, бор-йўгини бошқаларга бериб, тугатиб ҳам қўйма!

“Яна маломат ва ҳасратда ўтириб қолмагин!” Уйламасдан, борини беҳуда сарфлаб, сариқ қақасиз қолган одам маломатга учрайди. Уни ҳамма маломат қилади. Нотўғри ва ноўрин тасарруфини қоралайди. Шунингдек, вақт ўтгандан кейин унинг ўзи ҳам қилган ишига пушаймон бўлиб, ҳасрат-надо-мат чекади.

“Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, ҳасилик ҳам қилмаслар, тутган йўллари бунинг ўртасида — муътадилдир”, дейилади Қуръони каримнинг Фурқон сураси 67-оятда.

Хайр-эҳсонда исрофгарчилик қилиб, турли тadbир ва маросимларда ким-ўзарга, дабдабаларга берилиш ортда кибор ва риё иллатлари ётади. Бундай иллатлар инсонни дунё ва охиратда ҳалокатга олиб боради.

Ўқорида моддий неъматлар исрофи ҳақида эслаб ўтилди. Лекин исрофнинг энг ёмон кўриниши маънавий исрофгарчиликдир. Улардан бири ибодатдаги исрофдир.

Буни қарангки, ҳамма нарсани тартиб-интизом билан адо этишга қақирган динимиз ибодатларда ҳам муътадил бўлишга ва исрофга йўл бермасликка қорлайди!

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бошқаруви, шаҳар ва туман бўлинмалари томонидан ижтимоий ҳимояга мухтож кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар томонлама меҳр-саховат кўрсатиб келинмоқда.

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТАД ЭМАС

Марғилон шаҳри “Тошлоқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Марҳабо Ғайрат қизи болаликдан ногирон. Юра олмайдиган, ўзгалар парваршишга мухтож. Отаси оламдан ўтган. Онаси Нигорахон Асқарованинг Марҳабодан бошқа яна уч фарзанди бор, “Аёллар дафтари”да рўйхатда туради. Меҳр-саховат тадбирлари доирасида бу хонадонда бўлган мутасаддилар Марҳабонга ногиронлиги араваси ва озиқ-овқат тўпламлари олиб келди.

— Яхшилар меҳрини ҳис қилиб яшаёмиз, — дейди Нигора Асқарова. — Қўшимча ногиронлик араваси берилгани яхши бўлди. Энди у ҳам кўчага чиқиб, сайр қилиш, тенгқурлари билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлди. Ҳаммаси учун катта раҳмат. Фарғона туманидаги “Дилкушо” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузоранлик қилаётган биринчи гуруҳ ногирони Абдураим ота Зарипов хонадонидида 14 киши яшайди. Кўп болали оила ижтимоий ҳимояга мухтожлар рўйхатида туради. Бу оила ҳолидан хабар олган “Маҳалла” хайрия жамоат фонди мутасаддилари ногиронлик араваси ва етти турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бериб.

Президентимизнинг 2022 йил 25 майдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳалла” хайрия жамоат фондидининг шаҳар ва туман бўлинмалари ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармалари томонидан вилоятдаги “Темир дафтар”га киритилган ҳамда бир мартали моддий ёрдам пуллари олмаган эҳтиёжманд 926 оилга 319 миллион 100 минг сўмлик ҳамда 63 820 килограмм ун тарқатилди.

Риштон туманидаги “Жаҳонобод” МФЙда яшовчи Лазоқат Абдумажидова яхшилар кўмагидан миннатдор. Турмуш ўрғотининг Республика иxtиссослаштирилган онкология

Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Жаноби Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **“Дарҳақиқат, бу дин — енгилдир! Бирор киши динни қийинлаштирса, уни мағлуб қилади. Шундай экан, тўғри бўлинг, яқинлашинг, башорат беринг, енгиллаштиринг ва эрта-лаб, заволадан кейин ҳамда туннинг бир қисмида ибодат билан ёрдам сўранглар!”** деб марҳамат қилдилар” (Имом Насоий ривоятлари).

Анас ибн Молик розияллоху анхундан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам масжидга кирганларида икки устунаа тортилган арқонни кўрдилар ва “Бу нима арқон?” дедилар. “Бу Заънабнинг арқони. Агар у ибодат қилиб қарчаса, унга осилади”, дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам “Уни ечинглар! Ҳар ким ўз қувватида қараб намоз ўқисин. Агар қарчаса, ётсин!” дедилар**” (Муттафақун алайҳ).

Бугунги кунда баъзи инсонлар ҳаддан ошиб, шахсий имкониятларини ҳисобга олмай, ибодатга қаттиқ қирқишиши натижасида ўзини машаққатга қўймоқда. Бу ҳолат динимиз кўрсатмаларига зиддир. Тананинг ҳам ҳаққи бор. Ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳаққини бериш лозим. Ибодатларда муътадилликка амал қилмаслик ортда шайтоннинг ўша ибодатлардан бездириб, уларни тарк қилдириш режаси ётади.

Бу борада оқоридаги ҳадиси шариф бизларга дастуриламал бўлади.

Умр Аллоҳ таолонинг бандига берган энг улуғ неъматларидан биридир. Умрнинг бошқа неъматлардан фарқи шундаки, бошқа барча неъматлар қўлдан кетган, яна унга эришиш мумкин, аммо умр бундай эмас. Умр инсонга бир маротаба берилади. Ўтиб кетган, ортга қайтмайди. Умр шу даражада улуғ неъмат бўлишига қарамай, афсуски, уни беҳуда ишларга сарфлаб, жуда ҳам кўп исроф қилиб юборамиз.

Илм ва истеъдоднинг ҳам исрофи бор. Илм-маърифат ҳосил қилиш — энг улуғ фазилатлардан. Илм соҳиб бўлган, аввало, илмига амал қилиш ва уни бошқаларга ҳам ўргатиш ҳар бир зиё аҳлининг зиммасидаги вазифасидир. Акс ҳолда, амал қилинмаган ва ўзгаларга ўргатилмаган илм исроф ҳисобланади. Бунинг охиратдаги жавобгарлиги огир бўлади.

Аллоҳ таоло берган ҳар бир неъматни қадрлаб, шукрини адо этувчи халқлардан бўлишимизни насоб айласин! Исроф ва шунга ўхшаган ноқоиш иллатлардан Ўз паноҳида асрасин!

МАҲАЛЛАМ — ФАХРИМ

“ОЛМАЗОР”НИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

“Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғини Жиззах вилоятининг энг тез ривожланаётган ҳудудларидан бири. Вилоят марказида бунёд этилаётган 7 ва 16 қаватли турар жой биноларини ҳам биринчи бўлиб шу маҳаллада қуриш бошланди. Маҳалла аҳли “Бизда ҳам сити бор”, дейишдади фахр билан.

Қарийб 12 000 киши яшаётган маҳаллада ечимини қутаётган масалалар ҳам қайнаб турган бўлса керак, деган уй билан маҳалла гузарига йўл олди.

Турфа гуллар чирой бағишлаб турган маҳалла маркази ҳовлисига кирсангиз, баҳри-дилнингиз очилади. Раис хонасида кирдик. Хонада 3-4 ҳарбий ва 5-6 фуқаро қандайдир масалани муҳокама қилаётган экан. Бевақт келиб қолдик, шекилли, деган хаёлда хонадан чиқишга чоғланганимизда, тўрда ўтирган опа “Ўтириб туринг, ҳозир сизнинг масалангиз билан ҳам шуғулланамиз”, дегандай ўриндиққа имо қилди.

Хонада сафарбарлик қақуруви резервидагилар, уларнинг тўлови масаласи муҳокама қилинаётган экан.

— Сафарбарлик қақурувиға жалб қилинадиганлар рўйхати шакллантирилганида сизлар мажбуриятларингизни ўз вақтида уйдлаб қўйишингизни айтиб, ваъда бергандингиз. Лекин йил охирида бормоқда, — деди тўрда ўтирган опа.

Иигитлар мулзам бўлиб ерга қаради.

— Норбуви опа, жуда уятли бўлди, бугун кечгача тўловларни тўлиқ амалга ошириб қўямиз, — деди йигитлардан бири.

Демак, тўрда ўтирган опа маҳалла раиси Норбуви Шамсиева экан-да, деб ўйладик унинг гап-сўзларини диққат билан тинглар эканмиз.

— Ахир давлатимиз маҳалла учун нималар қилиб бермапти, дейсиз. Ёзда чанг, қишда лой қўчаларимиз асфальт бўлмоқда. Тадбиркор

бўламан, деган инсонни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб турибди. Сизлар бўлса...

Норбуви опа уларга худди ўз фарзандига топшириқ бергандай муддат белгилаб, жавоб берди.

Шундан кейин ҳам бир неча кишининг ишини ҳал этди, телефонда янги тадбиркорлик субъекти ташкил қилган маҳалладоши билан сўзлашди, унга маслаҳат берди, йўл-йўриқ кўрсатди. Ниҳоят ҳарбийлар ҳам ишлари битганидан хурсанд бўлиб, опага миннатдорлик билдириб чиқиб кетди.

— Ҳамманинг кўнглини бирдай олиб бўлмайди. Энг яхши услуб муросяу мадора. Икки қўшни келишмай қолдим, дарров ўртага тушиб яраштириб қўйиш лозим. Эрта-индин деб юрсақ, келишмовчилик жанжалга айланиб кетади. Бу соҳада ҳоким ёрдамчиси ва профилактика инспектори доим ёнимда. Нима ҳам дердик, маҳаллачилик, шу аҳолининг юқини зиммачисига олган эканмиз, уни уddaлай олмасак, бу даргоҳда бизга жой йўқ, — дейди маҳалла раиси Норбуви Шамсиева.

— Маҳалла муаммо маркази дегани эмас, унинг қувончи кунлари ҳам кўп бўлса керак? — сўраймиз ундан.

— Бўлмасам-чи, мана, ўтган ойда ўнлаб янги оила қурилди. Тўй ўзбекнинг энг суяқли қадриятларидан. Бизда барча тўй ва маъракалар исрофгарчиликсиз, камчиқим ўтпапти. Одамларимиз бу нарсалар ўзларига, оиласига фойда келтиришини аста-секин тушуниб борапти. Фарзандларимиз Янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун билимли бўлиш кераклигини

англаб етди, олий ўқув юртларига қираётган ёшларимиз сафи ортиб бормоқда. Бундан ташқари, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар билан тизимли иш йўлга қўйилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган 79 нафар фуқаронинг лойиҳа ва таклифлари ўраниб, 2448,5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Шундан 4 нафар фуқарога 124,5 миллион сўм кредит ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун, 5 нафарига 163 миллион сўм иссиқхона қуриш учун, 6 нафар фуқарога 192 миллион сўм асалари-чиликка, 9 фуқарога 292,5 миллион сўм паррандачиликка, 4 фуқарога 123 миллион сўм йилқиччиликка, 17 нафарига 541 миллион сўм қўвнчиликка, 13 фуқарога 401 миллион сўм қўйчиликка, 5 фуқарога 147 миллион сўм маиший хизмат кўрсатиш йўналиши учун, 16 фуқарога 462,5 миллион сўм тикувчиликка имтиёзли тарзда ажратилди. Эътибор қилган бўлсангиз, барча кредитлар ишлаб чиқарувчиларга берилди. Маҳалла аҳли “Берсанг ейман, урсанг ўламан”, деган гапларни бутунлай унутди, — дейди “Дўстлик” ордени соҳибаси Норбуви Шамсиева.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Набижон Маматқуловнинг таъкидлашича, маҳалладаги 129 нафар ёш ва хотин-қиз касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқишга, 209 фуқаро эса маҳалла ҳудудидagi қорхоналарга ишга жойлаштирилди. Маҳаллада 11 та якка тартибдаги, 25 та янги тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган.

— Маҳалламизда қўзиқорин етиштиришга иxtиссослаштирилган тадбиркорлик қорхонаси фаолияти йўлга қўйилди. “Олмазор сити”да стоматология поликлиникаси иш бошлаш арафасида, — дейди ҳоким ёрдамчиси.

“Дилноза Икромова томонидан болалар сумкаси ишлаб чиқариш цехи ташкил этилган бўлиб, “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”да турган 15 аёл иш билан таъминланди. Нодира Икромова эса юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, “Аёллар дафтари”да турган 8 аёлни ишга олди. Муқаддас Хидирова бир йўла 500 та жўжа очиришга мўлжалланган инкубатор ёрдамида насли товуқ жўжалари етиштирмоқда, ҳовлисига иссиқхона қурган...”

Набижон тадбиркорлар фаолияти ҳақида тўлиб-тошиб сўзлар экан, одамларни боқимандаликдан чиқариш, уларда ўзини ўзи таъминлаш кўнималарини шакллантириш маҳалланинг энг катта ташвиши эканини ҳис этдик. Лекин, ишонинг, бу ёқимли ташвиш.

Таъкидлаш лозимки, ўтган давр мобайнида маҳалла ҳудудидида битта ҳам жиноят содир этилмади. Бу эса маҳаллада фаолият кўрсатаётган ажойиб бешлиқнинг фидойилик билан қилаётган меҳнатлари самарасидир.

Асад МУСТАФОЕВ, журналист



Бошланиши 1-бетда

Гапнинг индаллосини айтганда, **Тараққиёт стратегиясининг биринчи мақсади — маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантириш** бора-сидаги ишлар бугун ҳар бир оилада ўз аксини топмоқда. Буни ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш, давлат органлари билан тўғридан-тўғри алоқани таъминлаш, маҳалладан давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, маҳаллаларнинг “ўсиш нукталари”ни қўллаб-қувватлаш, ҳоким ёрдамчиси институтининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш каби бир қатор муҳим жиҳатларда қўриш мумкин.

Ўртимиз маҳаллаларининг бугунги манзараси тамомила бошқача: одамлар



дунёқарашни ўзгарган, ҳар бир воқеа-ҳодисага ўз муносабати шаклланган, муаммоларни очик айтишга ўрганган, пировардида, бугун ва келажакка ишонч ҳисси, жамиятга дахлдорлик туйғуси шаклланган. Бу халқчил ислохотлар самараси, албатта.

Эндиги гап мана шу самарадорликка эришишда бирламчи восита бўлиб хизмат қилаётган ҳоким ёрдамчилари ҳақида. Гапни “Чиғирик” МФЙ мисолида бошлаган эдик. Хуллас, шу маҳалладамиз. Мақсадимиз ҳоким ёрдамчилари фаолияти билан яқиндан танишиш, одамлар ҳаётини ўзгартириш йўлидаги амалий ишларини ўрганиш.

Бугун Тошкент вилоятининг 1020 маҳалла фуқаролар йиғинида шунча ҳоким ёрдамчиси фаолият юритмоқда. Қувонарлиси, уларнинг сайй-ҳаракати билан ўтган давр мобайнида 11 мингдан ортиқ якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти, юридик шахс мақомидаги 4000 га яқин корхона ташкил этилди. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 10 мингдан ортиқ лойиҳага 300 миллиард сўмга яқин кредит ажратилди.

Эҳтимол, бу рақамлар ҳоким ёрдамчилари фаолиятини тўлиқ баҳолаш учун етарли эмасдир, шу боис, бошқа мисолларни ҳам келтирамиз.

Ҳоким ёрдамчилари уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон ҳолатини ўз кўзи билан кўриб, иқтисодий аҳволни таҳлил қилмоқда.

Бу эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилалар, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни ишга жойлаштириш ҳамда имтиёзлар тўғри ва шаффоф етказилишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Яқин-яқингача “Чиғирик” маҳалла фуқаролар йиғинида ишсизлик даражаси юқорилиги боис, ёшлар орасида жиноятчилик, оилавий ажримлар сони нисбатан юқори бўлган.

Президентимиз мамлакатимиз ҳаёти учун гоят муҳим масала — давлат хизматини ислоҳ қилиш бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида туман ёки шаҳар даражасидаги раҳбарлик учун салоҳиятли кадрлар резерви тузилишини алоҳида таъкидлади, — дейди “Чиғирик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги

ҳоким ёрдамчиси Одилжон Атауллаев. — Аҳамиятли жиҳати, уларга номзод эса маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчиси билан ёшлар етакчилари орасидан танлаб олинди. Бу вилоятдаги ҳоким ёрдамчиларини руҳлантирди. Бизга кўтаринки руҳ бериш билан бирга, ҳоким ёрдамчилари том маънода маҳаллада ислохотчи эканини кўрсатишимиз учун катта масъулият юклади. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз хоҳлаётган тизимнинг самарасини аҳоли сезиши керак, ўшандагина биз — ҳоким ёрдамчилари ишимиздан кўнглимиз тўлади. Шу боис, асосий мақсадимиз аҳолининг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш, камбағалликдан чиқариш ва иқтисодий фаровонлигини ошириш.

Ҳоким ёрдамчиси билан Нурафшонда жойлашган маҳаллани айланар эканмиз, шаҳар кун сайин чирой очиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Марказий кўчаларда кўп қаватли уйлар қад кўтармоқда. Сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриляпти.

— Иш фаолиятини бошлашим билан маҳалладаги 312 хонадонни тўлиқ хатловдан ўтказдим, — дейди О. Атауллаев. — Мақсад оилаларни тўлиқ ўрганиш ва тоиларларга бўлган ҳолда онлайн маҳалла платформасига кириштиш эди. Ўрганилган хонадонлар иқтисодий-ижтимоий аҳволи бўйича 4 тоифага ажратиб олинди. Биринчи тоифа — даромади кам, бироқ даромад топишга ҳаракат қилаётган, иккинчи

тоифа — доимий даромадга эга, қўшимча даромад топиш истиги бор, учинчи тоифа — ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган, тўртинчи тоифа — иқтисодий аҳволи яхши ва ўзига тўқ хонадонлар. Бугунги кунда тоифалар асосида алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик ва фаолиятимизни шу йўналишлар бўйича олиб бораёلمиз.

Албатта, биз бу гапларнинг амалдаги исботини ўз кўзимиз билан кўргимиз келди. Шу мақсадда маҳалла аҳли билан суҳбатлашишга киришдик.

“Чиғирик”да яшовчи Гулшан Тошева кўп йиллардан буён ўз бизнесини йўлга қўйишни режа қилиб юрган. Бунинг учун маблағ ва жой масаласи доим муаммо бўлиб келган. Маҳаллага ҳоким ёрдамчиси келиши билан дарҳол шу масалада кўмак сўрабди.

— Орадан кўп ўтмади, ҳоким ёрдамчиси келиб, “Маҳалламизда бўш турган бино бор экан, шунга гаплашиб кўрсак, нима дейсиз?”, деб сўраб қолди. Менга жуда маъқул бўлди, чунки ўз маҳалламда бизнес юритиш яхши-да. Бино эгаси билан музокара ўтказилди, келишдик. Дарҳол ишни бошлаб юбордик, — дейди тадбиркор аёл. — Кўрпачи, озиқ-овқат маҳсулотлари сотяғимиз, ишларимиз юришиб кетди. Бугун маҳалламизнинг икки-уч аёлини ҳам иш билан таъминладик.

Дилором Жўраева тикувчилик билан шуғулланиб келган. Янги ислохотлар, тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлардан руҳланган она ҳоким ёрдамчиси билан суҳбатда фаолиятини кенгайтириб, оилавий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтиш, қўшимча уч-тўрт иш ўрни яратилиши ният қилганини айтди. Ташаббускор аёлнинг бизнес режаси қўллаб-қувватланди, тикувчилик қилиши учун бино ажратилди.

— Тикувчилик қилаётганимга ўттиз йилдан ошди, — дейди Дилором опа. — Болаларим ёшлиги сабаб уйда ишлардим. Ўй-хаёлим ишимни кенгайтириш, ўз бизнесимга эга бўлиш эди. Очиги, буни қандай амалга оширишни билмасдим. Аёл бошим билан қаёққа бораман? Бизнес қилиш учун, аввало, тайинли жой, яхшигина маблағ керак. Қўшниларим билан суҳбатда маҳалламизга шу каби масалалар билан шуғулланаётган ҳоким ёрдамчиси тайинланганини эшитиб, олдига бордим. Унинг кўмаги билан жой топдим. Ишни бошладик, маҳалламиздаги икки қизни ишга олдим. Ҳоким ёрдамчиси тасвися билан тикувчиликка қизиққан мактаб ўқувчиларига ҳам “устоз-шоғирд” анъанаси асосида иш ўргатилган.

Кетар чоғимизда опа бугунги ҳаётдан миннатдорлигини айтиб қолди. “Олдин ҳужжат кўтариб, идорам-идора сарсон юрадик. Мана, осонгина ҳал қилса ҳам бўлар экан-ку. Ҳозир мурожаат қилсак, мутасаддилар ўзлари келиб, масаламиз-



ни жойида ҳал қилаяпти. Биз беҳавотир, кўнгул тўқликда ўз ишимиз билан шуғулланаямиз. Шу гапларни айтмасам бўлмайдим”, дейди Дилором опа.



Маҳаллада гап кўп, иш ундан ҳам кўп. Биз борган навбатдаги манзилда ёш тадбиркорга автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси очилишига ёрдам берилибди. Бу тадбиркор ўтган йиллар давомида турли бюрократик тўсиқларга дуч келган. Жорий йил бошида ҳоким ёрдамчиси билан учрашган тадбиркорнинг сайй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Ҳоким ёрдамчисининг берган ижобий хулосаси асосида тижорат банкидан имтиёзли кредит олишга эришди.

— Неча йиллардан буён кредит олиш учун ҳаракат қилдим, лекин бесамар кетди, — дейди ёш тадбиркор Бобур Абдусаматов. — Маҳалламизда ҳоким ёрдамчиси лавозими ташкил этилганини эшитиб, катта умидлар билан олдига бордим. Ундан маслаҳат сўраганимда, ўзи мен билан юриб, барча ҳужжатларни расмийлаштиришга, кредит олишимга ёрдам берди. Унинг ёрдами билан 100 миллион сўм кредит



олдим, 5 та иш ўрни яратдим. Келгусида фаолиятимни янада кенгайтириш ниятидам.

Халқимиз тадбирли ва тадбиркор. Буни “Чиғирик” МФЙ аҳолиси интилишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Авал фуқаро мурожаат билан ҳокимликка борган бўлса, бугун маҳаллага келпти. Ҳоким ёрдамчилари ташкилотларни бевосита маҳаллага чақириб, аҳоли муаммоларини биргаликда ечяпти. Натижада фуқаролар мурожаатлари ҳам ўтган йилдагига нисбатан 50 фоиз қисқарган.

Одамларнинг иқтисодий фаровонлиги ошгани, меҳнат билан банд бўлгани ҳисобига маҳаллада бу йил жиноятчилик умуман содир этилмади. Сабаби ёшлар ҳам, ўрта ёшдагилар ҳам иш билан банд. Иш билан банд бўлмаганлари хунар ўрганипти ёки бирор касбга йўналтирилган.

Яна бир эътиборли жиҳат. Маҳаллада 3-7 ёшдаги болаларни мактабгача таълимга қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Бунинг учун тадбиркорлар ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари очилляпти. Яқинда ана шундай муассасалардан бири ишга туширилди. Тадбиркорнинг сайй-ҳаракати билан 25 ўринли оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди. Шундай қилиб, маҳалладаги болаларнинг

фойдаланилмай турган бино аниқланди. Ҳозир уларнинг барчаси тўлиқ ишга туширилди. Шу тариқа оилавий корхоналар, савдо шохобчалари, аҳолига хизмат кўрсатиш пунктлари ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида мана шу тадбиркорлик субъектларини ишга тушириш, қайта тиклаш ва соғломлаштириш ишларига 407 миллион сўм кредит тавсияларини бердик. Юридик мақомга эга 8 та оилавий корхона, иккита якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йил охиригача тадбиркорлик субъектлари сонини 50 тага етказамиз.

Сафаримиз давомида гувоҳ бўлганимиздек, маҳалла аҳлининг аксарияти кафтдек ерда ҳам қимлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиради. Ундан қўшимча даромад олади. Бу йил ўнга яқин оилалар субсидия, имтиёзли кредит ҳисобидан иссиқхона қуриб берилибди. Шу тариқа йилга уч-тўрт марта ҳосил оладиган деҳқонлар, томорқачилар сафи кенгайди. Ҳоким ёрдамчиси ҳар бир оиланинг томорқасини кўздан кечириб туради. Ердан самарали фойдаланиш бўйича зарур тавсиялар беради. Бунинг натижасида деҳқончиликнинг янги йўналишлари ўзлаштирилмоқда. Оилалар даромади ошяпти. Бу йил узумдан юқори ҳосил кўтарган томорқа ер эгалари тажрибаси кейинги йилдан омалаштирилади, томорқадаги бўш жойларда, йўл бўйларига тоқорлар барпо этилади.

Маҳаллада 18 тектардан ошқроқ томорқа ер бор. Аҳоли томорқадан самарали фойдаланиб келмоқда. Олдин бир марта ҳосил олган бўлса, тажрибали деҳқонлар тушунтириш ишлари олиб бориши натижасида энди уч-тўрт мартадан ҳосил олиб,

мактабгача таълим ташкилотига қамрови 90 фоиздан ошди. Муассаса ҳужжатларини расмийлаштириш, жиҳозлаш, қўرғамали қуроллар, ўйинчоқлар билан таъминлашга яқиндан ёрдам берилди.

— Болаларнинг кўзидида қувончни кўринг, юзидида табассумга бokinг, — дейди тарбиячи Динаида Солиева. — Боғчамизда жажжилар учун барча шароит бор. Айниқса, турли-туман ўйинчоқлар уларга бир олам завқ-шавқ бермоқда. Биз ҳар доим сектор мудирининг, ҳоким ёрдамчисининг кўмагини ҳис этамиз.

Катта умид ва ишонч билан келган ҳар бир кишига имкон қадар яхшилик қилиш, мушкулни осон қилиш ҳоким ёрдамчисининг қўндалик шioriга айланган.

— Давлатимиз раҳбари томонидан мазкур лавозим ташкил этилгандан кейин маҳалла раисларига жуда катта енгиллик бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Одил Қудратов. — Раис маҳалланинг ичидаги муаммоларни ҳал қилса, ҳоким ёрдамчиси турли ташкилотлар билан бўладиган муаммоларни ечишга яқиндан кўмаклашмоқда. Мана, кўчаларимизга чиқроқлар ўрнатилди. Кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ижтимоий ёрдам кўрсатишмоқда. Ҳоким ёрдамчисининг ўзи оқсоқоллар билан уйма-уй юриб, аҳолининг турмуш тарзини ўрганмоқда. Айниқса, ёшлар касб-хунар ўрганишга, таълим олишга йўналтирилаётгани яхши самара берапти. Қувонарлиси, бугун маҳалламизда ишсизлик муаммоси деярли йўқ. Буларнинг барчаси “Инсон қадрини ўқин” тамойилининг амалий ифодаси бўляпти.

— Маҳалладаги оғрикли масалалардан бири ишсизлик эди. Менга кўплаб мурожаатлар айлани шунга йўналишда бўлди, — дейди ҳоким ёрдамчиси. — Қурилган чора-тадбирлар натижасида, жорий йилнинг ўтган даврида 112 фуқаро доимий иш жойига, 14 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. 136 нафари ўзини ўзи банд қилиш, шундан 40 нафарини касб-хунарга ўқитиш орқали, жами 302 ишсиз фуқаро бандлиги таъминланди. Бу ишларни тизимли давом эттириш мақсадида 10 ишсиз фуқарога электроскутер олиб бердик. Бугунги кунда улар доимий даромад манбаига эга бўлди.

“Чиғирик” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси асли тадбиркор. Шу боис, аҳолини ҳам тадбиркорлик қилишга ундаб келади. Бизга маълум қилишча, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида “Онлайн маҳалла” платформаси орқали жами 48 лойиҳага ижобий тасвianoма берилган. Хусусан, қизил ёмғир қувалчанги, компьютер хизмати, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, тикувчилик, хунарандлик, иссиқхона, озиқ-овқат ва хомаёшнинг қайта ишлаш ва иккиланчи мақсадларга (ёки-хашак, дори-дармон, минерал ўғит, кимёвий восита ва бошқалар) 1 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Ҳоким ёрдамчиси сайй-ҳаракати билан 2022 йил январь-ноябрь ойларида 25 та янги субъект ташкил этилди. Шу билан бирга, маҳалла ҳудудида 4 оилалар субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди. Қизиқиши ва хоҳиши бор хотин-қизларга субсидия асосида тикув машиналар олиб берилди.

Гувоҳи бўлганимиздек, бугун қўллаб масалалар ҳоким ёрдамчиларининг бевосита сайй-ҳаракати билан ўз ечимини топмоқда. Пировардида, ишсизлик, камбағаллик қисқармоқда, оилалар даромади ошяпти.

Дарвоқе, биз мақоламиз аввалида “Бир киши ариқ қазир, минг киши сув ичар”, деган мақол замирида ҳаётини ҳикмат зоҳир, деган эдик. Бу ҳикмат ифодаси шундаки, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчиларининг бугунги фаолияти минглаб кишилар ҳаётига мазмун олиб кирди, ўз навабатида, жамиятда ҳамжиҳатлик муҳитига асос бўлмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

УЗЛУКСИЗ,
ТЕЖАМКОР, БЕМИННАТ

Бошланиши 1-бетда

— Уйлар томига ўрнатилган ускуналар “Офгريد” деб номланади, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхонаси ходими Бекзод Анорбеков. — Бу қуёш панеллари ва зарур ускуналарни ўз ичига олган мустақил тизим. Аҳоли эҳтиёжи учун электр энергиясини қуёш нуридан олиб, хонадонларни ёритиш ва муайян маиший техника воситаларини ишлатиш учун йўналтиради. Бу қувватдан фойдаланиш хонадон эгаларига текинга тушади. Ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ортқича қисми туман электр тармоқлари корхонасига сотилади. Қуёш бўлмаган ва ёмғирли кунларда эҳтиёж юзага келса, умумий тармоқдан харид қилинади. Бундан икки томон ҳам манфаатдор. Корхона қўшимча электр қувватига эга бўлади, хонадон эгаси пулини иқтисод қилади. Мижознинг хоҳишига кўра, мобил телефон ёки компьютерга илова ҳам улаб берилади. Илова ёрдамида ускунанинг қанча электр ишлагани, қанчаси истеъмол қилингани ва сотилганига нazorат қилиш мумкин.

Лойиҳа доирасида Наманган, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 22 кўп қаватли уйдаги 528 хонадонга қуёш панеллари бепул ўрнатиб берилган. Ҳозир уларнинг самарадорлиги, бу тажрибани кенг қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш бўйича ўрганишлар олиб бориляпти. Хулосалар Қурилиш ва Энергетика вазирликларига тақдим этилади. Уларнинг натижалари тизимни такомиллаштиришда асқатади.

Жаҳоннинг кўплаб таниқли эколог ва энергетикари энг хавфсиз энергия тури сифатида муқобил энергиядан фойдаланишни тақдир этмоқда. Бу турдаги энергия қуёш, шамол, сув, геотермал иссиқлик (ер ости иссиқлиги), биоёнилғидан олинади. Халқаро энергетика агентлиги маълумотига кўра, дунёда 2020 йилда муқобил энергия ишлаб чиқарилиши 29 фоизга етган. 2050 йилда карбонат ангидрид ҳавога ташланишини ноль фоизга етказиш учун муқобил энергиядан фойдаланиш 60 фоизга етиши лозим.

— Компаниямиз Ўзбекистон бозорида бир неча йилдан буён муқобил энергия тизимларини ўрнатиш бора-



сида фаол иш олиб борапти, — дейди “Solara” компанияси вакили Каримбек Нурмуродов. — Стандарт 2 квадратли битта панел соатига 450 ватт электр энергияси ишлаб чиқаради. Ўрнатаётган 450, 540 ваттлик монокристал панелларимиз 25-30 йил хизмат қилиши кафолатланган.

Жорий йил 10 июнь куни Президентимиз расмий равишда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида, биринчи навбатда, бошқарув идоралари, корхона ва ташкилотлар биноларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш топшириғи берилган эди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятида корхона ва ташкилотлар, бино ва иншоотларни узлуқсиз энергия билан таъминлаш мақсадида биноларга қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Биринчи навбатда, вилоятдаги корхона, ташкилотларнинг маъмурий ва ёрдамчи биноларига 600 та кичик қуёш фотоэлектр станцияси ўрнатилиши белгиланган.

Уларнинг 360 таси қуёш панели, 240 таси эса қуёш сув иситиш қурилмасидир.

Вилоят ҳокимлиги биноси том қисмида умумий қуввати 150 кВт бўлган 334 дона монокристалли қуёш панели ва 4 та инвертор ўрнатилди. Мазкур станция йилига 341 минг кВт электр энергияси ишлаб чиқаради ҳамда атмосферага 1,1 тонна зарарли чиқинди чиқишининг олдини олади. Шунингдек,



вилоятдаги бошқа ташкилотлар, маҳаллаларда ҳам қуёш панелларидан фойдаланиб, электр энергияси олиш бошланди. Тиббиёт муассасаларида ҳам босқичма-босқич муқобил энергия ускуналари ўрнатилмоқда. Соғлиқни сақлаш бошқармасида соатига 10 киловатт энергия ишлаб чиқарувчи қуёш панеллари ўрнатилиши натижада бинони муқобил электр энергияси билан тўлиқ ёритиш таъминланди.

Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасида соатига 5 киловатт энергия етказиб беришга мўлжалланган 12 дона қуёш панели ўрнатилиши шоянча тиббий ёрдам кўрсатишда узлуқсиз электр энергияси етказиб бериш имконини кенгайтирди.

Ил якунига қадар вилоятдаги 432 ҳокимлик, ташкилот ва муассаса маъмурий ва ёрдамчи биноларига қайта тикланувчи энергия технологияси ўрнатилади. Ижтимоий дафтарларга қиритилган 600 аҳоли хонадонига 360 қуёш фотоэлектр станцияси ва 246 қуёш сув иситиш ускунаси ўрнатиш режалаштирилган.

Ҳозиргача қуввати 14 547 киловатт-соат бўлган жами 804 қуёш фотоэлектр станцияси, 190 сув иситиш ускунаси, жумладан, 150 қуёш фотоэлектр станцияси ташкилот ва муассасаларнинг маъмурий ҳамда ёрдамчи биноларига ўрнатилди. 147 аҳоли, 410 кам таъминланган оила уйлари қуёш фотоэлектр станцияси ва 190 қуёш сув иситиш ускунаси билан таъминланди.

Пайариқ тумани тиббиёт бирлашмаси “яшил” энергиядан фойдаланишга ўтган муассасалардан биридир.

— Тиббиёт бирлашмаси биносига 24, олис ҳудуддаги тиббиёт масканларига ҳам қуёш панеллари ўрнатилиб, бунинг учун 120 миллион сўм сарфланди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Мурод Эшбеков. — Марказий поликлиникамизнинг ўзида йилига ўртача 68 миллион сўмлик электр энергияси сарфланарди. Энди қуёш панеллари ўрнатилиши натижада ҳисоб-китобимиз бўйича йилига 25 миллион сўм иқтисод қилишимиз

мумкин. Рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, фарқ катта, энг муҳими, электр таъминотида узилиш бўлмайди. Ил якунигача яна 140 миллион сўмлик қуёш панелларини жойлардаги муассасаларимизга ўрнатишни мўлжаллаб турибмиз.

— Республикамизда муқобил энергия турларидан фойдаланиш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Самарқанд вилояти экология ва

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Тўраҳон Ҳошимов. — Дастлаб Навоий вилоятида 100 миллион кВт.ли, кейин вилоятимизнинг Нуробод туманида ҳам шунча қувватга эга қуёш станциялари қурилиб, ишга туширилди. Яна Нуробод туманида 100 миллион, Каттақўрғон туманида 200 миллион кВт.ли ҳамда Чўпонота масивиди 100 миллион кВт.ли қуёш станциялари қурилмоқда. Яқин келажақда



Самарқандда 500 миллион кВт.ли станциялар қурилади. Айна пайтда вилоятимиздаги аҳоли хонадонларида мингдан ортқ қуёш панели бор. Бошқармамит томонидан 18 та ижтимоий соҳа объектга шундай ускуналар бепул ўрнатиб берилди.

Бундан ташқари, шамол энергиясини ривожлантириш бўйича ўрганишлар олиб боришмоқда. Булунгур туманидаги Юқори нуқта ҳудудида ер сатҳидан 70 метр баландликда доимий шамол йўналишлари аниқланди. Ургут, Нуробод, Пайариқ туманларида



70 метр баландликда шамол генераторлари ўрнатилса, электр энергиясидаги муаммони бир мунча хал этиш мумкин бўлади.

Юртимизда кичик гидростанциялардан ҳам фойдаланиш имкониятлари катта. Ҳозирги кунда вилоятдаги кичик гидростанциялардан 50 миллион кВт. электр энергияси олинмоқда. 2021-2022 йилларда 6 та кичик гидростанция қурилиб, 250 миллион кВт. электр энергияси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли иш-тироқини кенгайтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш борасида қатор имтиёзлар тизими назарда тутилган. Жумладан, Солиқ кодексининг 414-моддаси учинчи қисмига асосан, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт. ва ундан ортқ бўлган) ўрнатганлик учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, улар фойдаланишига жорий этилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга юридик шахслар мол-мулк солиғидан озод қилиниши белгиланган. Турар жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний шахсларга қайта тикланадиган энергия манбаларини ўрнатган ойдан эътиборан уч йил муддатга мулк ва ер солиғи ҳисобланмайди. Шунингдек, қайта

ҲОЗИРГАЧА ҚУВВАТИ **14 547** КИЛОВАТТ-СОАТ БЎЛГАН ЖАМИ **804** ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ, **190** СУВ ИСИТИШ УСКУНАСИ, ЖУМЛАДАН, **150** ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ ҲАМДА ЁРДАМЧИ БИНОЛАРИГА ЎРНАТИЛДИ. **147** АҲОЛИ, **410** КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛА УЙЛАРИ ҚУЁШ ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ВА **190** ҚУЁШ СУВ ИСИТИШ УСКУНАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.



турар жойи учун сарфланган бўлса, 29 фоизи, яъни 3400 киловатт шахар электр тармоқларига узатилди. Уч ой давомида жами 9 миллион 600 минг сўмлик электр энергияси ишлаб чиқаришга эришилди. Агар ҳар ой ўртача тўрт миллион сўмлик электр энергияси ишлаб чиқарилса, 12



субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб уч йил мобайнида фойда ҳамда мол-мулк солиғининг белгиланган ставкаси 50 фоизи миқдорда солиқ тўлаш имтиёзига эга бўлади.

Хусусан, Тошкент вилояти ҳокимлигида ҳам қуввати 50 киловаттлик қуёш панели ўрнатилди. Унинг ўртача кунлик иш давомийлиги 10 соат бўлиб, бир кунда 500 киловатт-соат, бир ойда 15 минг киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилиш имконияти яратилди. Бу 75 та аҳоли

ойда 48 миллион сўм бўлади. Бундан ташқари, университетда ташқи ёритиш чироқларига ҳам қуёш панеллари ўрнатиш бошланган. Ҳозир битта талабалар турар жойи ҳамда тўртта ўқув биносига жами 110 дан ортқ қуёш панелли ташқи ёритиш чироғи ўрнатилди. Булар ҳам ҳар ойда ўртача ҳисоблаганда қўшимча ўн миллион сўмликдан зиёд электр энергиясини тежайди. Кейинги йилда маъмурий ва ўқув биноларига ҳам камида 100 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатиш режалаштирилган.

Тошкент давлат аграр университети ҳудудида қуёш панелли 46 ташқи ёритиш чироғи ўрнатилди. Университетга қарашли ер майдонидан томчилатиб суғориш ишларида ҳам муқобил энергиядан фойдаланилмоқда.

— Ўрнатилган ёритиш чироқларининг ҳар бири 300 киловатт қувватга эга, — дейди университет бош энергетиги Аҳмад Чориев. — Бундай чироқлар тунги вақтда атрофни 10-12 соатгача ёритиб туради. Таълим муассасаси бош биносини таъминлаш учун 100 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда монтаж ишлари бошланган. У ишга тушса, шунингдек, талабалар шаҳарчасидаги кўча чироқлари қуёш панелларига алмаштирилса, келаси йили электр энергияси учун сарфланадиган 706 миллион сўм тежалишига эришилади. Университетнинг очик дала майдонларида айна пайтда қуввати 18 киловатт бўлган қуёш панеллари ўрнатилган. Мазкур панеллар ишлаб чиқарган электр энергиясидан дала очик майдонларини суғоришда фойдаланилади. Ер майдонларида университет профессор-ўқитувчилари, талабалар тадқиқот ишларини очиб боради. Бу эса тадқиқот давомида дала майдонларини суғоришда уларга қўшимча қулайлик яратади.

Бугунги кунда Тошкент вилоятидаги хонадонларга ҳам қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Вилоят маҳаллий бюджетининг жорий йил 3-чорак якунида иқтисод қилинган маблағлари ҳисобидан Қўйи Чирчиқ, Бекобод, Бўжа туманларидаги “Темир дафтар”ларга қиритилган 100 эҳтиёжманд оилани қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминлаш учун 2 миллион сўм ажратилди. Айна пайтда хонадонларда қуёш панеллари ўрнатиш бошланган.

Давлат ташкилотлари бинолари, хонадонларга ўрнатилаётган бундай қурилмалар ишлаб чиқараётган электр энергияси уларнинг эҳтиёжини таъминлаш баробарида ортқича сарф-харажатларнинг олдини олиш, табиий ресурсларни тежаш имконини берапти. Энг муҳими, атмосферага чиқариладиган зарарли чиқиндилар миқдори сезиларли камайишига эришилмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири,
Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
журналист

МУНОСАБАТ

СИЛГА ЧАЛИНИШ ХОЛАТЛАРИ
СЕЗИЛАРЛИ КАМАЙДИ

66

ФТИЗИАТРИЯ ТИЗИМИДАГИ МУАССАСАЛАР МУТАХАССИСЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ 10 ТА БЎЛИНМАСИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА АСОСЛАНГАН ТЕЛЕТИББИЁТ УСУЛИДА МАСОФАДАН ТУРИБ ИННОВАЦИОН ЎҚИТИШ ВА МОНИТОРИНГ МАРКАЗЛАРИ ТАШКИЛЛАШТИРИЛДИ.

Наргиза ПАРПИЕВА, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори

Бошланиш 1-бетда

Сил билан касалланганлар шифоналарда йиллаб ётар, утган асрда кашф қилинган атиги 4 хил дори (рифампицин, изониазид, этамбутол ва пиразинамид) билан даволанар, кучсиз лаборатория тизими сабабли касалликнинг резистент турларини аниқлашга 4 ойдан зиёд вақт кетарди. Натижада касалликнинг турли шакллари билан оғирган беморлар бир палатада даволанишга мажбур эди. Уша вақтлари ўпка касалликлари скрининги фақат флюорография ва микроскопия усуллари ёрдамида ўтказилган. Бу эса касалликни эрта босқичида аниқлаш имкониятини пасайтириб юборганди.

Сўнгги йилларда юртимизда силга қарши курашда сезиларли натижаларга эришилди. Давлат ва халқаро ҳамкорлар дастурларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилгани 2021 йилда 2016 йилдагига нисбатан сил билан касалланиш кўрсаткичини 23, ўлим кўрсаткичини эса 64,3 фоиз камайтириш имконини берди.

Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 13 февралдаги "Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини



такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифалар ижроси ҳам сезиларли самарасини кўрсатди. Касалланганларнинг умумий сони 2 минг кишига камайди.

Қарорга биноан, сил ва ўпканинг носпециффик касалликлари олдини олиш борасида замонавий инновацион усуллар амалиётга татбиқ этила бошлади. Силга қарши кураш тизимида фаолият кўрсатаётган мултидисциплинар гуруҳлар томонидан беморларни руҳий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилиши натижасида муолажани олдинроқ тугатиш мuddати икки баробар қискарди. 2019/2020 уқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясида, кейинчалик бошқа тиббиёт олий таълим муассасаларида фтизиатрия ва пульмонология мутахассислиги бўйича магистратура ва клиник ординатурада

мутахассислар тайёрлаш давлат гранти асосида амалга оширилмоқда. Сил касаллигига мойил (хавф гуруҳидаги) шахслар орасида иммунодиагностика тадбирлари ўтказилди. Натижада хавфли гуруҳга кирувчи 12 минг кишида силнинг латент шакли аниқланиб, профилактик муолажа билан тўла қамраб олинди.

ЖССТнинг сўнгги тавсияларига мувофиқ, 2020-2021 йилларда сил ва латент туберкулез инфекциясини ташхислаш, даволаш, олдини олиш бўйича миллий клиник баённомалар янгиланди ҳамда 2021-2022 йилларда соҳадаги мингдан ортиқ мутахассис қайта ўқитилди.

Фтизиатрия тизимидаги муассасалар мутахассислари малакасини ошириш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий 10 та бўлинмасида халқаро стандартларга асосланган телетиббиёт усулида масофадан туриб инновацион ўқитиш ва мониторинг марказлари ташкиллаштирилди.

Чет эл ва давлат дастурларини самарали амалга ошириш натижасида сўнгги 5 йилда сил билан касалланганларнинг даволаниш самарадорлиги 92 фоизни ташкил этди. Сил касаллиги тарқалишининг олдини олиш мақсадида ҳар йили чақалоқларни БЦЖ билан эмлаш 97-99 фоиз бажарилмоқда.

Бу йил ҳудудларда ўтказилган тиббий кўрикларда 5,1 минг бемор аниқланиб, уларнинг 225 нафариди жарроҳ-



лик амалиёти ўтказилди. Бу жараёнда юқори технологияга асосланган амалиёт улуши 91,6 фоиз бўлганини таъкидлаш жоиз. Телетиббиёт орқали 175 нафар оғир беморга консилиум масlahат ва тавсиялар берилди. 206 беморнинг яшаш жойида юқори технологик жарроҳлик орқали муолажа олишига шaroит яратилди. ЖССТнинг Европа минтақаси учун сил касаллигига қарши кураш режасини амалга ошириш мақсадида шу йилнинг 21-24 ноябрь кунлари Истанбул шаҳрида ўтказилган катта форматдаги йиғилишда мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда силга қарши кураш дастурининг етакчи мутахассислари қатнашди.

Ушбу нуфузли анжуманда келгуси йили сентябрда АҚШнинг Нью-Йорк

шаҳрида бўлиб ўтадиган БМТ Бош Ассамблеясининг сил касаллиги бўйича олий даражадаги мажлисига Ўзбекистонда силга қарши курашда эришилган ютуқларни инобатга олган ҳолда, Польша билан бирга юртимиз вакили ҳамраис бўлиши эълон қилинди.

Бажарилган ишлар қўлами қанчалик кенг бўлмасин, сил касаллиги тарқалишининг олдини олиш ва барқарор санитария-эпидемиологик вазиятни сақлаш вазифаси ҳар қачонгидан долзарб. Зеро, давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган йиғилишда таъкидланганидек, сўнгги йилларда коронавирус пандемияси сабабли юртимизда ўпка касалликлари бўйича диспансер назоратидаги беморлар сони 18 фоиз ошган. Ҳудудларда туберкулез бўйича 5 хил юқори технологик жарроҳлик амалиётига талаб бўлса-да, бу хизмат фақат Тошкент ва Нукус шаҳарларида тўлиқ йўлга қўйилган. Мазкур ҳолатлар соҳадаги ишларга янада жиддий ва масъулият билан ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

Йиғилишда сил инфекциясининг молекуляр-генетик диагностикасини, яширин инфекцияси бор беморларни аниқлаш ва профилактик даволаш қамровини ошириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Президентимиз келгуси йилдан бошлаб "Ўпка саломатлиги" мобил қўламадаги ташкил этиб, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолини скрининг текширувлардан ўтказиш бўйича топириқ берди. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, қатор ишларни режалаштирганмиз.

66

ИЛК БОР ЎПКАНИНГ НОИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАРИНИ ЭРТА АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА 35-60 ЁШЛИ АҲОЛИ ЎРТАСИДА СКРИНИНГ АНКЕТАЛАШ ДАСТУРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛЯПТИ.

Жумладан, маҳаллий техник ресурслардан ва мавжуд ускуналардан фойдаланган ҳолда "Ўпка саломатлиги" мобил бригадалари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бунда "Isuzu" русумли микроавтобусларга замонавий ПЦР, мобил рентген, спирометр, электрокардиограф ускуналари ўрнатилади ҳамда олис ва чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли ўпка касалликлари бўйича тиббий скринингдан ўтказилади.

Қўп тармоқли марказий поликлиникаларда "Астма ва сурункали обструктив ўпка касаллиги мактаблари" ташкил этилади. Уларда ўпка касалликларида чалинган беморларга ҳаёт сифатини яхшилаш, касаллик зўрайишининг олдини олиш чоралари ўргатиб борилиши кўзда тутилган.

Илк бор ўпканинг ноинфекцион касалликлари эрта аниқлаш мақсадида 35-60 ёшли аҳоли ўртасида скрининг аниқлаш дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилиниши режалаштириляпти.

Ҳар бир вилоят ҳокими билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида алоҳида "йўл хариталари" имзоланиб, топириқлар маҳалла, туман, шаҳар, вилоят ҳамда республика даражасида муайян тартибда амалга оширилиши режалаштирилди.

НУҚТАИ НАЗАР

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ
СИФАТЛИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ТАЯНАДИ

Таълим-тарбия жараёнида нафақат фундаментал билимлар, балки инсонийликнинг турли қирралари ўргатилади. Шу боис, Шарқда таълим билан тарбия тушунчаси нутқда ҳам, амалда ҳам доимо бирга ишлатилган. Иккисини баробар олиб бориш, уйғунлаштириш ҳамма даврларда долзарб масала бўлиб келган. Бугун ҳам ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган ўқитиш тизимидаги ўзгаришлар илм-фан, таълим-тарбияга алоқадор муаммоларни аниқлаш, оммага етказишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш, ютуқларни юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотга айлантириш жараёнида интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимоя қилиниши алоҳида аҳамият касб этади. Маълумотларга қўра, интеллектуал мулк улуши Европада яппи ички маҳсулотнинг 45, Хитойда 12, Россияда 7 фоизини ташкил этади. 2020 йилнинг 12 октябрь кунги Президентимиз раислигида бўлиб ўтган йиғилиш "Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш Учинчи Ўйғониш даври учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилади" деган мавзуга бағишлангани ҳам бежиз эмас. Чунки Ўзбекистонни 2030 йилга қадар Глобал инновацион индекс рейтингидagi 50 та етакчи давлат қаторига қиритиш бўйича улкан мақсадлар белгиланган. Унга эришиш йўлида инсон капитални ривожлантиришга қаратилган стратегик режани амалга ошириш вазифаси турбани.

Президентимиз илгари сураётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси халқимизнинг асрий орзу-интилошларига мос, унинг миллий манфаатларига жавоб бера оладиган

объектив зарурат, таълим-тарбия ривожининг мутаносиблигини таъминлашга қаратилган дастуриламалдир. Зотан, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялашни энг муҳим вазифага айлантириш масаласи янги тахрирдаги "Таълим тўғрисида"ги қонуниimizда ҳам акс этган. Чунки юртимизни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқиш, барча куч-гайратни бирлаштириш ва фидокорона меҳнат қилиш орқали Янги Ўзбекистонни, пировардида, Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш мумкин.

Бу жараёнда қатор омилларни ҳисобга олишимиз даркор. Аввало, ҳозирги ўзига хос туб янгиланишлар даврини эътиборга олиш, жумладан, муттасил олға интилиш, ҳаётни ва тафаккурни ислоҳ қилиш, янгиланиш томон собитқадамлик билан бориш зарур. Бу йўлда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарадорлигини ошириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун ватандошларимизнинг хилма-хил гоёлари орасидан муносибларини танлаб, улар асосида халқимиз менталитетига ҳар томонлама мос



келадиган, оммабоп, назарий, умумтарбиявий аҳамиятга эга назарияни ишлаб чиқиш вазифаси турибди.

Мақсадларимиз рўйи учун юртдошларимизнинг ўзини англашига хизмат қилувчи, миллий ва умумбашарий тамойилларни тарғиб этувчи, ибтидоидан интихосичига фалсафий мазмунга бой таълимотга эга бўлиш истагини ҳисобга олиш керак. Бу ишларни амалиётга татбиқ этишда ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этиши керак, деган гоёга доим амал қилиш эҳтиёжни кучайтириш мақсада мувофиқ.

Шунингдек, халқимиз маънавий меросига дахлдор, минг йиллардан бери

амалиётда ўз исботини топиб келаётган мақоллар, ҳикмат ва ривоятларда улуғланган энг катта бойлик ақл-заковат ва илм экани беҳуда эмаслигини фарзандларимизга мисоллар орқали тушунтириш масъулияти зиммамизда турибди. Зеро, тарбиясизлик маънавий кашшоқликни келтириб чиқарувчи омил экани, билимсизлик ўзбек халқи ва қадриятларига мутлақо зид келувчи ахлоқсизлик феноменига айланганлиги кунда-кунора гувоҳ бўляпмиз.

Янги Ўзбекистонда таълим-тарбия мутаносиблигини таъминлашда қатор омилларни назарда тутиш лозим. Фуқаролик масъулияти ва замонавий дунёқарашга эга баркамол авлодни

тарбиялаш биринчи ўринда туради. Мана шу мақсад бизни тараққиётнинг навбатдаги босқичига элтади. Зотан, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш гоёси ҳам тасодиқий эмас, балки туб тарихий қиёфамизни дунёга намоён қилувчи омил эканини унутмаслик даркор.

Шу билан бирга, таълим-тарбия ўзвийлигини таъминлашда илм, маърифий макон ва замоннинг ўрни ҳамда аҳамиятини кўриб чиқиш, унинг ўзига-ни ташкил қилувчи тарихий-маънавий омилларни санаб ўтиш ўринли. Илқимизнинг улкан маданий мероси, интеллектуал салоҳияти, заминимизнинг азалдан буюк алломалар ва тарихий шахслар юрти бўлгани фикримиз тасдиғидир.

Турон замини биринчи ва иккинчи Ренессанс бешиги бўлганини ортиқча таъриф тавсифлашга зарурат йўқ. Бу ишонччи янада мустаҳкамлашда илм, маърифий макон ва замон, унда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва сиёсий соҳалардаги ўзгаришларни англаб етишда амал қилиниши зарур бўлган қатор мезонлар мавжуд. Аввало, иқтисодиёт жамият ҳаётининг танаси эканини теран англаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳасида кенг қўлланаётган "ақлли иқтисодиёт", "инновацион иқтисодиёт", "ашил иқтисодиёт" ҳақидаги тушунчаларни тўри талқин қилиш бўйича халқаро тажрибаларга мос изланишлар ва уларнинг самарадорлиги бўйича маълумотлардан халқимизни, аввало, ёшларни доимо хабардор қилиб бориш лозим.

Ҳозирги замон талабларига мувофиқ, илм, маърифий макон ва замон уйғунлиги эътирофиди Ўзбекистонга дахлдор ва умумбашарий масалаларга алоҳида урғу бериш керак. Хусусан,

Эшқобил ХОЛИҚОВ, тарих фанлари доктори, профессор, Хайриддин БЕРДИЕВ, тарих фанлари номзоди, доцент



ИФТИХОР

Нодиржон АБДУЛАХАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

МУСУЛМОНЛАР ЁҚҚАН ЧИРОҚ ЁҒДУСИ

Америкалик олим Драбер “Европада ақлий тараққиёт тарихи” китобида “Европанинг бутунги улут зийси мусулмонлар ёққан шам ва чироқларнинг ёғдусидан майдонга келган”, деб ёзган бўлса, Исмоил Гаспирали бу фикрни давом эттириб, “Юнон маданияти Овруподан аввал ислом дунёсига ёйилди, мусулмонлар уни тараққий эттириб, нуқсонларини камайтириб, Оврупога топширдилар”, деган эди.

АҲМАД ФАРҒОНИЙ ДАҲОСИ

Дарҳақиқат, ўрта асрларда Европа халқлари Осиёнинг ҳали ўрганилмаган кўлаб қирраларини кашф этишга муяссар бўлди. Айниқса, астрономия илми борасида европаликларнинг биринчи устозлари Осиё фарзандлари бўлган. Бу устозлардан бири Европада Альфраганус номи билан шуҳрат топган Аҳмад Фарғоний эди. Айнан Мовароуннахр заминидан етишиб чиққан Аҳмад Фарғонийдек олимларнинг хизматлари эвазига Европа қадимги юнон ҳамда мусулмон фалакшунослигининг бой мероси билан яқиндан танишди. Бинобарин, Аҳмад Фарғоний астрономия ва география соҳасидаги асарлари билан бу фанлар тараққиётига салмоқли хисса қўшди ва бу асарлар кейинги даврларда ашаган олимлар учун асосий қўлланма вазифасини бажарди.

XI асрдан Испанияда “араб астрономлари ва математиклари” номи билан шуҳрат қозонган ўзбек олимлари, жумладан, Фарғоний ва Хоразмий асарлари лотин тилига таржима қилина бошлади. Бу таржималар орқали Альфраганус (ал-Фарғоний) ва Алгоритм (ал-Хоразмий) номлари Шарқдаги прототипларига нисбатан ҳам Европада кенг тарқалди. Зеро, Аҳмад Фарғоний мусулмон алломалари ичида биринчилардан бўлиб астрономия илмини мукаммал ўрганган олим ҳисобланган. Шунинг учун ҳам унинг номи Бағдодда фаолият кўрсатган ўрта осийлик олимлар орасида биринчилар қаторида зикр қилинади. Айнан унинг илмий хулосалари натижасида астрономия илмида кескин бурилишлар кузатишган. У биринчилардан бўлиб ўзидан аввалги олимларнинг илмий қарашларини таҳлил қилди ва улардаги ноаниқликларга ўзгаришлар киритди. Бунинг натижасида кейинги фалакийётшунослар ўз фаолиятида дуч келадиган муаммоларни бартараф этиш имкониятига эга бўлди.

САМОВИЙ ҲАРАКАТЛАР СИРИ


Фарғонийнинг Шарқ ва Европанинг ўрта аср олимлари томонидан кўп тилга олинган энг машҳур ва шарҳланган асари “Китоб фий ҳаракат ас-самовийа ва жаъомийа илм ан-нуҷум” (“Самовий ҳаракатлар ва умумий астрономия китоби”) бўлиб, у кўпроқ “Астрономия элементлари” номи билан қайд этилган. Шунинг учун шарқшунос олим И.Ю.Крачковский таъкидлаб ўтганидек, Аҳмад Фарғоний “Астрономия элементлари” китоби орқали ўрта аср Европасида астрономия илмида энг машҳур шахс сифатида эътироф этилган эди.

Аллома ушбу асарида астрономия фани бўйича тўплаган маълумотларини мунтазам равишда баён қилар экан, ўзидан олдин ўтган олимлар, жумладан, Птоломей олган натижаларни яхшилашга ҳаракат қилади ва унинг кўпгина фикрларини танқид остига олади. Буюк мутафаккир ўз давридаги Ер текис доира дейилган назарияга қарамай, Ер сферасининг шар шаклида эканини ҳозирги тушунчалар билан исботлаб берган.

Машҳур сайёх Христофор Колумб ҳам буюк режаларини амалга оширишда Аҳмад Фарғоний асарларига

кўп мурожаат қилган. Маълумотларга кўра, Колумбнинг кутубхонасида бобаклонимиз китобининг қўлёзмаси сақланиб қолган. Унда Колумбнинг ўз қўли билан чизган белгилари ҳам бор эди. Архиепископ Камбрэ (1330-1420) бу “Имаго мунди”ни 1410 йилда ёзган, лекин китоб 1480-1487 йиллардагина нашр этилган. Китобда Аверроэс, Авиценна (Ибн Сино) ва Альфраганус (ал-Фарғоний) асарларидан иқтибослар олинди, лотинчага таржима қилинган. Демак, Аҳмад Фарғонийнинг илмий назарий маълумотлари ҳам худди Абу Райхон Беруний асарлари каби келгусида буюк географик кашфиётларга сабаб бўлган.

Стивен Фредрик Старр “Йўқотилган маданият” асарида бундай ёзади: “Унинг асарларини ўқиганлар орасида Фарғонийдан 600 йилдан оғир яшаб ўтган Христофор Колумб ҳам бор эди. Денгиз сайёҳи Ер айланасининг марказий осийлик олим ҳисоблаб чиққан 56 2/3 минг мил экани тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланди. Ал-Фарғоний араб мили



бўйича ҳисобни олган бўлса, Колумб Европа ва Хитой орасидаги масофани максимал даражада қисқартириш мақсадида ҳисобни Рим миляда, деб фикр қилди. Натижада ҳисоблаш чоғида йўл қўйилган бошқа қатор хатолар билан Колумб босиб ўтиши керак бўлган масофа тўртдан бирга қисқариб кетган. Шу сабабдан “уммон ва денгиз адмирал” тахминан ўша меридианда Сипанго (Япония) ва Виргиния оролини топшишни кутган бўлса-да, ҳисоблари мутлақо нотўғри бўлиб қикди. Бироқ бу маълумотлар унга ўз лойиҳаси моддий жиҳатдан Португалия қироли ва кейинчалик Испания саройи томонидан қўлаб-қувватланишига етарли асос бўлиб хизмат қилди”.

Юқорида айтиб ўтилган фикр ва иқтибослар Аҳмад Фарғоний асарлари кенг тарқалганидан ва унинг номи нақадар машҳур эканидан далолат беради. Ҳақиқатан, Фарғоний ҳал қилган астрономик ва географик масалаларни қайта ишлашга, қайта текширишга ҳојат бўлмаган. Шунинг учун ҳам юқоридаги иқтибосларда ўқитириб ўтилганидек, ал-Маракуший Аҳмад Фарғоний асарида ёритилган масалани ўз китобида такрорлашни маъқул кўрмайди.

АСТРОНОМИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, айнан “Астрономия элементлари” асари Аҳмад Фарғоний номини тарих саҳифаларига муҳрлади. Аввал севильялик Иоан (1135 йилда), кейин кремоналик Герардо (1142 йилда) мазкур асарни лотин тилига таржима қилганларидан кейин Аҳмад Фарғоний номи бутун Европада машҳур бўлиб кетди. XIII асрда Европанинг бошқа тилларига таржима қилиниб, XVII асрга қадар асосий астрономия дарслиги сифатида фойдаланилган. 1493, 1537, 1590 ва 1669 йилларда у қайта-қайта нашр этилиб, бутун Европада муҳим манба сифатида қўлланилган. Польшалик машҳур астроном Ян Гавелий 1647 йилда чоп этилган “Селенография” китобида ёзишча, XVI асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бири Аҳмад Фарғоний номи билан аталган.

Айниқса, 1537 йили Нюрнбергда Меланхтон, 1590 йили Франкфуртда Я.Христман, 1669 йили Амстердамда

орқали буюк итальян адиби Алигьери Данте астрономияни ўрганди ва кўлаб асарлар яратди. Фикримизнинг исботи тариқасида таниқли олим Нажмиддин Комилонинг “Илоҳий комедия”даги ал-Фарғоний Зухраси” мақоласидаги айрим жумлаларга эътибор қаратсак: “Олимнинг “Асосий астрономик унсурлар” рисоласи ҳам Фарб олимлари орасида машҳур бўлган. Бу асарлар Дантенинг фалакийёт ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирди. “Илоҳий комедия”да тасвирланган осмон жиҳмлари, улар ҳаракати ва хусусиятлари борасидаги гаплар, масофа ўлчовлари — ҳамма-ҳаммаси ал-Фарғонийдан олинган”.

Бу ҳақда тарихчи олим О.Маҳмудов, жумладан, қуйидагиларни келтиради: “Олимнинг асари ва номи Европада алоҳида ҳурмат билан тилга олинди, Фарба астрономия фани шаклланиши ва ривожига бекиёс таъсир кўрсатади. Жумладан, буюк итальян шоири Алигьери Дантенинг космогоник қарашлари айнан Фарғонийнинг биз фикр юритаётган асари таъсирида шаклланиши мутлақо аниқдир... “Базм” асарида келтирилган табиатшунослик, илми нуҷумга оид маълумотларини ал-Фарғоний асарида тасарруф этган. Мисол учун, А.Дантенинг “Зухра билан Ер ўртасидаги энг қисқа масофа 542 750 мил ёки Ер радиусининг 167 бараварига тенг”, деб келтирган рақамлари Аҳмад Фарғоний ҳисобининг айнан ўзидир. Сайёралар ҳаракатини кишилик иқтисоди ва фаолиятига боғлаб тушунтирган ал-Фарғонийга эргашиб Данте ёзади: “Аторуднинг иккинчи хислати шуки, у бошқа юлдузлардан кўра қуёш нурига кўпроқ чўмилиди”. Бу жумла Фарғонийда қуйидагича: “Аторуд қуёшга яқин бўлганидан нурга кўпроқ қўмилиди, шу боис, уни қўриш қийин”.

“Базм” асарида Данте буюк аллома ишларидан иқтибослар келтирар экан, унинг фикрларини бошқа олимлар қарашларидан устун қўяди. Чунончи, осмон буржининг уч ёқлама ҳаракати, жумладан, Зухра сайёраси ҳаракати хусусида гапириб, қадимги мунажжимлар фикрларини қўчириши асосида “Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа” асаридаги маълумотларни тўғри деб топади. Мухтасар айтганда, фарғоналик олимнинг юлдузлар илмига доир ишлари итальян шоирига асосий дастурил-амал вазифасини ўтаган”.



ЕВРОПА ОЛИМЛАРИ УЧУН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Аҳмад Фарғоний илмий меросидан европалик олим ва шоирлар қанчалик баҳраманд бўлгани борасида тадқиқотчиларнинг кўлаб эътирофларидан халқимиз яқиндан танишишга муяссар бўлмоқда. Бу тарих фанлари доктори, шарқшунос олим Б.Абдуҳалимов тадқиқотларида ўз ифодасини топган: “Олимнинг илмий шуҳрати ва тадқиқотчилик маҳорати ҳақида машҳур фан тарихчиси Фуад Сезгин бундай мулоҳаза юртади:

“XIII аср Париждаги Арасту мактабининг етакчи намояндаси Роберт Гроссетест “Summ Philosophiae” асарида Батламууснинг қаламига мансуб деб кўрсатилган нарсаларнинг барчаси амалда ал-Фарғонийдан олинган. Биз буни давом эттириб, яна шунини таъкид-лаймизки, XIII асрдан XIV асрнинг бош-ларигача яшаган италиялик астрономлар Батламуусга ишора берганларида, тўлалигича ал-Фарғонийнинг китобидан фойдаланган. Биз худди шу манзари Ристоро д’Ареззо ва унинг “Della composizione del mondo” асари мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Ваҳоланки, “Ал-мажистий” асари билан мутлақо таниш эмаслигига қарамадсан, унинг муаллифи бўлмиш Батламуусга ишоралар беради. Ал-Фарғонийнинг италиялик машҳур шоир Данте Алигьери-га таъсири шундаки, шоир “Il Convito” (“Базм”) китобида Батламууснинг астрономияга оид барча қарашларини ал-Фарғонийнинг рисоласидан олади. Ва ниҳоят, мен шунини эслатиб ўтишим зарури, машҳур ренессанс олими Регимотан ҳам 1464 йили Паудаги маърузаларини ал-Фарғонийнинг китобига асосланган ҳолда ёзган”.

Аҳмад Фарғонийнинг “Астрономия элементлари” асари нафақат Европа, балки Осиёдан етишиб чиққан кўлаб олимлар, жумладан, ал-Чагминий, Насриддин Тусий, Қутбиддин Шерозий, Қозизода Румий, Мирзо Улугбек ва Али Қушчи каби буюк алломаларнинг фалакийёт борасидаги илмий тадқиқотларида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилди. Мирзо Улугбекнинг Аҳмад Фарғоний илмий меросидан қанчалик хабардор бўлганини академик Т.Н.Қорин Ниезий (1897-1957) қуйидагича тушунтиради: “Улугбекнинг отаси Шоҳрух китобга, айниқса, нодир китобларга жуда ўч киши бўлган. Шоҳрух дуненинг ҳамма чеккаларидан китоблар йиғиб ва нодир қўлёзмаларни ҳар қандай катта пулга харид қилиб, жуда бой кутубхона вужудга келтирган. Мана шу кутубхона ҳам Улугбекнинг билим доирасини кенгайтиришга ёрдам берган, албатта. Чунки у вақтининг кўпини китоб мутлоасида ўтказган.

Улугбек юнон олимларидан Платон, Аристотель, Гиппарх, Птолемейнинг классик асарлари билан таниш бўлган ва ўз ватандошлари — Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Мусо Хоразмий каби олимлар асарларини яхши ўрганиб чиққан”.

БУЮК КАШФИЁТ

Аҳмад Фарғонийнинг яна бир буюк кашфиёти ўша даврда Нил дарёси сув сатҳини ўлчайдиган асбоб — нилометр яратганидир.

Аллома бошчилигида халифа ал-Мутаваккилнинг топшириғига биноан 861 йилда Қоҳира шаҳри яқинидаги Равзо оролида Нил дарёси суви сатҳини ўлчаш мақсадида нилометр қурилади. Баъзи манбаларда бу асбоб “Микёс ан-Нил” деб аталган. Нилометр мурабба шаклидаги қудуқ кўринишида бўлиб, Нил дарёси билан учта ер ости сув йўллари орқали туташган. Қудуқ ўртасида оқ мармар билан қопланган саккиз қиррали устун ўрнатилган. Устунда сув сатҳини ўлчашга имкон берадиган йирик даражот бўлиб, у майда даражотларга бўлинган.

Нилометр Нил суви сатҳини катта аниқликда ўлчашга имкон берган. Шуниси эътиборга лойиқки, Аҳмад Фарғоний яратган ушбу иншоот ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Жаҳон метеорология ташкилотига аъзо барча давлатларда сув ҳавзалари — дарёлар, қўллар, сув омборлари, ҳатто денгиз ва океанларнинг сув сатҳини ҳозир ҳам шу тамойил асосида ўлчанади.

У сув сатҳини ўлчаш билан кифоя-ланиб қолмай, дарё сувидан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик ва аҳолининг иқтисодий ҳолатини олдиндан аниқлаш имконини берарди. Мисрда деҳқонларга солиқ солиш масалалари ҳам нилометр кўрсаткичлари асосида амалга оширилган.

Миср ҳукумати Аҳмад Фарғонийнинг ушбу мамлакат олдидаги хизматларига юксак эътиром раъзи сифатида Нил дарёсидаги Равзо оролида унинг ҳайкалини ўрнатишга қарор қилди. Ушбу ҳайкал 2007 йилда тантанали равишда очилган.

АҲМАД ФАРҒОНИЙНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Ўтган асрнинг 20-йилларида нилометрини ўрганиш борасида тадқиқот олиб борган Г.Виъет Аҳмад Фарғоний 861-865 йиллар ўртасида Қоҳирада вафот этганини аниқлайди. Бинобарин, Ибн Зайлатнинг 1412 йилда битилган “Ҳаракатланувчи ёриткичлар” китобида нилометрнинг архитектору Аҳмад ибн Муҳаммаднинг жасади Қоҳира яқинидаги шинам Қарафа мақбарасига қўйилгани таъкидланади.

Яна бир маълумотга кўра, Аҳмад Фарғоний Мисрнинг Фустат шаҳрида вафот этган ва Мунаттам тоғининг шарқий қисмидан сал нарида жойлашган Имом аш-Шофеъ қабристонида дафн этилган. Кейинчалик вақт ўтиши билан унинг қабри йўқолиб кетган.

Чорак аср муқаддам — 1998 йилнинг 24 октябры куни Фарғонада Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланди. Утган шу давр ичида аллома меросини ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Албатта, бу сўнгги чегара эмас. Шундай экан, Аҳмад Фарғоний илмий фаолияти, илмий меросини тарғиб этиш мақсадида буюк алломанинг ибратли ҳаёти ва фаолиятига доир бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратиш керак, деган тақлифни билдирмоқчимиз. Чунки ўсиб келаётган ёш авлодга Аҳмад Фарғонийдек буюк алломаларнинг илмий мероси ва ибратли ҳаёт йўли ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотларни бериш, янги тадқиқотлар устида ишлаш бугунги куннинг муҳим амалларидан.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1264.
80849 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳиш: Рашид Хўжамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўза яқуни — 00:50 Топширилди — 01:15